Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2013 йил
23 март
№ 24 (12556)

www.th.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Наврўз – 2013

# БАҲОР, ЯШАРИШ ВА ЯНГИЛАНИШ АЙЁМИ



**Юртимизнинг мафтункор байрамлари кўп. Улар орасида азалий ва боқий байрамимиз Наврўзи оламнинг файзи, ўрни бўлак. Негаки, бу фусункор баҳор айёми бутун борлиқни уйғотади – "новдаларни безаб ғунчалар" ҳар кўнгилга ҳайрат ва шукроналик солади, тирикликнинг беқиёс неъмати ва саодатидан ажиб ҳикоятлар айтилади, гўё... Шунга ҳамоҳанг дилларда меҳр-оқибат, саховат, мурувват каби эзгу фазилатлар куртак ёзади.**

Шу кунларда бутун юртимиз бўйлаб Наврўз шукуҳи ҳукмрон. Замондошларимиз енг шимариб, ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш юмушларига астойдил киришганлар. Бинобарин, Наврўзга хос яшариш ва янгиланиш удумларида эл-юртга наф келтириш, унинг истиқболи, фаровонлиги учун хизмат қилишдек эзгу ва олижаноб мақсадлар мужассам.

Вилоятимиз аҳли ҳам бу галги кўкламнинг кўркам айёмини ўзгача кўтаринкилик ва шодиёна билан нишонламоқда. Наврўзга бағишланган асосий тантаналар куни кеча Ўрта Чирчиқ тумани Қумовул қишлоғидаги Вилоят маънавият ва маърифат маркази ҳудудидаги яшил хиёбонда бўлиб ўтди.

Таъкидлаш лозимки, вилоят миқёсидаги йирик маънавий-маърифий анжуманлар, байрам тадбирлари, турфа кўрик-танловларнинг аксариятига мезбонлик қилаётган мазкур маскан бу галги байрамни мутлақо янги ва кўркам қиёфада қарши олди. Майдонга кираверишда замонавий дизайн асосида қурилган осмонўпар арк барпо этилди. Майдон марказида томошагоҳ, ёшлар никоҳ уйи, ижодий кўргазмалар залини ўз ичига олган муҳташам маданият саройи савлат тўккан. Бир тарафда вилоятнинг ҳар бир туман ва шаҳрига атаб нақшинкор айвонлар солинган.

(Давоми 2-бетда).

**Ўлкамизга қутлуғ қадамлари билан Наврўзи олам кириб келди. Айём шодиёналарини очиб берган Юртбошимизнинг дил изҳори халқимизга беқиёс қувонч, кўтаринкилик бағишлади: "Шу мунаввар тонгда сиз азизларни, сизларнинг тимсолингизда бутун халқимизни Наврўз айёми билан чин қалбимдан табриклаб, барчангизга ўзимнинг ҳурмат-эҳтиромим ва самимий тилакларимни изҳор этишдан бахтиёрман... "Обод турмуш" деб ном олган йилимизнинг Наврўзи ҳаммамизга, барча-барча хонадонларга, оилаларга тинчлик-омонлик, бахту саодат, файзу барака келтирсин!"**

**Дарҳақиқат, самимийлик эзгуликка йўл очади. Одамларнинг юзи-кўзи, қалбида баҳор кулади, яхши ниятлар тўлиб-тошган кўнгиллар куйлайди.**

## СИЗЛАРГА ГУЛЛАРДАН САЛОМ БОР...

*Дунё бор, бўлажак,*
*мудом бор,*
*Ҳар дилда бир янги*
*калом бор,*
*Баҳорга етганлар,*
*қувонинг,*
*Сизларга гуллардан*
*салом бор.*

Кўкарган кўнгилнинг кўклами келди. Баҳор – гўзаллик оламига очилган эшик. Баҳор кўнгиллар кўзига тутилган кўзгу. Бу кўзгуга боқиб дил энтикади. Оламнинг орази оҳорланган кун баҳордан бошланади...

Баҳор бизни яшашга ўргатади. Янаям тўлиқиброқ айтсак, севишга, севилишга ўргатади. Зеро, ҳар қандай гўзаллик аввал кўзни, кейин қалбни жунбушга келтиради. Шомда сиз кўрганда яланғоч кўринган новдаларда тонгда кулиб турган, бўртиб турган куртакларни кўриб ҳайратга тушасиз. Қалбингизда қувонч қалқийди, чеҳрангизда табассум балқийди. "Хуш кўрдик, баҳор!" дея ҳайқиргингиз келади.

Баҳор ҳақида ўйлаш ҳам кишини яйратади. Хаёлингда очилган лолазорларни кезиш, уватларда жилмайиб турган ялпизларни териш – бу баҳор ато этган завқу шавқ. Бу баҳор ато этган бахт. Аслида гўзалликни кўриш, қадрлай билиш, баҳорга етказганига шукр қилиш – бахт. Ахир бу кунларга етмаганлар қанча!

Табиийки, баҳорнинг илк кунлариданоқ биз Наврўзни орзиқиб кутамиз. Наврўз ўз номи билан янги кун – янги орзулар, тиниқ хаёллар, тоза тилаклар байрами. Муҳаббат байрами. Ошиқона дил билан, муҳаббатли нигоҳ билан гулга боқмоқ, нурга боқмоқ қанчалар ҳузурли.

Озод ва обод юртда байрамлар ҳам ўзгача шукуҳ, ўзгача тароват ила ўтади. Буюк аждодимиз, мутафаккир олим Абу Райҳон Беруний "Ўтмиш ёдгорликлари" китобида бу байрамга "Наврўз дунёвий ҳайитларнинг биринчисидир" дея ҳаққоний таъриф бериб қўйган. Ундан қарийб тўрт асрдан кейин миллатимиз қуёши – Мир Алишер Навоий ҳам "Менга ҳар кун байраму ҳар лаҳза Наврўзе керак" деган сўзларида бу байрамнинг эзгу амалларга эш хосиятларига ишора қилган бўлса не ажаб. Зеро, Наврўз – ободлик сари қилинажак саъй-ҳаракатларнинг бошланишидир.

Мустақил Ўзбекистонимизда бугунги Наврўзни – тинчликнинг чиройига, шодликнинг овозига, халқ бахту саодатининг парвозига менгзаш мумкин. Бунёдкор халқнинг байрамларида элу юртдаги қут-бараканинг ифодаси янада ёрқинроқ кўринади. Зеро, бугунги ўзбек халқининг онгу тафаккуридаги ўзгариш, ўз қудратига эга давлат фуқаросининг ўзига ишончи, дунёга тийрак назар ила боқиши унинг яшаш тарзига ҳам ўзгача фусун, ўзгача мазмун бахш этади.

Аввало Наврўз аждодлардан авлодларга ўтиб келаётган асрий қадриятларимиз байрами. Бу қадриятларнинг моҳиятида яратиш, бунёд этиш орзуси, эзгуликка чорловчи хитоб бор. Тўғрироғи, Наврўзни умумхалқ меҳнати учун чалинган бонгга қиёслаш мумкин.

(Давоми 2-бетда).

Қарор ва ижро

## ИНСОНПАРВАРЛИК ТАМОЙИЛЛАРИ АСОСИДА

**Мамлакатимизда демократик жараёнларни янада чуқурлаштириш, қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.**

Президентимиз Ислом Каримов тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан 2012 йил 5 декабрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги қарор бу борадаги кенг кўламли ишларнинг яна бир ёрқин намунаси бўлди.

Айни кунларда тегишли идоралар томонидан жойларда мазкур қарор ижросини таъминлаш юзасидан изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Тошкент вилоятида ҳам жазони ўташ жойларидан озодликка чиқарилган фуқароларни иш билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётир. Жазони ўташ муассасаларидан қайтган шахслар туман ва шаҳар бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари томонидан квоталанган иш ўринларига жойлаштирилмоқда.

"Маҳалла" жамоат фонди, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, хотин-қизлар қўмитаси ва ички ишлар идоралари ҳамкорлигида маҳаллаларда жиноий жавобгарликдан озод этилган шахсларнинг оилаларидаги шарт-шароит, муҳит ўрганилиб, муайян профилактика ишлари олиб борилмоқда.

Бўстонлиқ туманида уйига қайтган собиқ маҳкумларнинг қарийб барчаси тиббий кўрикдан ўтказилди. Зарур ҳолларда моддий ёрдам кўрсатилди. Кўпчилиги ишга жойлаштирилди.

Улардан бири Ўткир Эшбўтаев амнистия туфайли уйига қайтди. Муддатидан олдин озодликка чиқиши унга ҳаётга янгича қараш имконини берди.

– Бу менга бир умрлик сабоқ бўлди, – дейди Ў. Эшбўтаев. – Туман бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази кўмагида "Зуҳра Диёра" корхонасига ишга жойлашдим. Энди бундай ғамхўрликларга жавобан тўғри яшаб, ҳалол меҳнат қилиб, оилам ва юртимга наф келтирадиган ишлар билан шуғулланишга аҳд қилдим.

Тошкент вилояти ҳокимлиги қошидаги ижтимоий-мослашув маркази раҳбари Хуршид Норматовнинг айтишича, вилоятда жазодан озод этилган шахсларга моддий ва маънавий кўмак бериш ишлари изчил давом этмоқда.

**Х. САЛИМОВ,**
**ЎзА мухбири.**

Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги

**Юртимизда Наврўз шукуҳи кезиб юрган ҳозирги кунларда мамлакатимизнинг барча ҳудудида бўлгани каби Тошкент вилоятида ҳам кенг кўламли кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда.**

## ХАЙРЛИ АКЦИЯЛАР

Вилоятнинг туман ва шаҳарларидаги ташкилот ва корхоналар, таълим ва тиббиёт муассасалари ҳамда маҳаллаларда мевали ва манзарали дарахтлар экиш, мавжудларига шакл бериш, оқлаш, ариқзовурларни тозалаш, кўчалар, майдонлар, хиёбонларни тартибга келтириш ишлари давом этмоқда. Ёлғиз кекса ва ногиронлар, кам таъминланган оилаларнинг уй-жойлари таъмирлаб берилмоқда.

Ойлик доирасида Оҳангарон туманидаги Саховат уйида "Қариялар эъзозда" ва "Кўчат экайлик" акциялари ўтказилди.

"Ўзбекистон ижтимоий масъулиятли фуқаролари форуми" муассасаси ҳамда Оҳангарон тумани ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда кенг жамоатчилик вакиллари, турли касб эгалари ҳамда ёшлар иштирок этди.

Тадбирда Саховат уйида яшовчи кишиларга байрам совғалари тақдим этилди. Бу ерда ташкил этилаётган ижтимоий масъул фуқаролар боғига минг тупдан ортиқ дарахт ва гул кўчатлари ўтказилди.

**Х. САЛИМОВ,**
**ЎзА мухбири.**

Вилоят ҳаёти

Зангиота тумани

## ТАКТИК ЎҚУВ-МАШҒУЛОТ

**Сел, сув тошқинлари ва ер кўчкиси билан боғлиқ фавқулодда вазиятлардан аҳоли ва ҳудудларни муҳофаза қилиш бўйича кўникмаларни янада чуқурлаштириш мақсадида туман фавқулодда вазиятлар бўлими Гулистон қишлоғи ҳудудида махсус тактик ўқув-машқи ўтказди.**

Йўл бошқармаси, юқори сув хўжалиги, электр тармоқлари корхонаси ва бошқа ташкилотлар ҳамда кенг жамоатчилик иштирок этган тадбир жараёнида "Қашқарлик", "Мустақиллик" ва "Ғишткўприк" маҳаллаларида 3 километр узунликдаги ички ариқлар, 2 километр зовур тозаланди.

**Нозима САЛИМОВА.**

Паркент тумани

## КЎРИКДАН ЎТКАЗИЛДИ

Аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш саъй-ҳаракатлари доирасида "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси вилоят бўлими уюштирган тадбирга мувофиқ тиббиёт ходимлари туман аҳолиси орасида тушунтириш-тарғибот олиб борди. Шунингдек, туғиш ёшидаги аёллар, болалар ва ўсмирлар тиббий кўрикдан ўтказилди. Кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларга, ногиронларга жамғарманинг совғалари ҳамда дори-дармонлари тарқатилди.

**Шаҳло ФАЗЛИЕВА.**

Бўстонлиқ тумани

## ЁШЛАР ИШЛИ БЎЛИШДИ

**Хизмат кўрсатиш ва энергетика касб-ҳунар коллежида бўлиб ўтган амалий семинар "Уюшмаган ёшларнинг доимий бандлигини таъминлашда сиёсий партиялар ҳамда депутатлик гуруҳларининг ўрни" мавзусига бағишланди.**

Ўзбекистон "Адолат" социал демократик партияси вилоят кенгаши ташкил этган семинарда ёшларни доимий иш билан таъминлаш юзасидан депутатлик ҳамда жамоатчилик назоратини кучайтириш, янги иш ўринларини яратиш масалалари муҳокама этилди. Хусусан, "Обод турмуш йили" Давлат дастури доирасида ишлаб чиқилган Бандлик дастурига кўра, 2013 йилда туманда 4800 дан ортиқ янги иш ўринлари ташкил этиш режаланган бўлиб, ўтган 2 ойда 750 га яқин киши ишли бўлди.

**Умида ИСАЕВА.**

Муносабат

## МУҚОБИЛ ЭНЕРГИЯ – ТАЙЁР ИМКОНИЯТ

**Ер юзидаги табиий бойликлар нафақат бугун яшаб турган, балки келажак авлодларнинг ҳам ризқ-насибасидир. Шу боис уларни тежаб ишлатиш, асраб-авайлаш, табиатни, ер, сув ва ҳавони тоза сақлаш бугунги куннинг энг муҳим вазифаси, ҳар биримизнинг юксак инсоний бурчимиздир. Зеро, ҳозир кўплаб муаммолар юзага келмоқдаки, уларни оқилона ҳал этиш юзасидан самарали чора-тадбирлар кўришни вазиятнинг ўзи тақозо этмоқда.**

Жумладан, бугун ер юзининг кўплаб минтақаларида тоза ичимлик суви танқислиги сезилмоқда. Дунёнинг ривожланган мамлакатларидаги йирик саноат марказларида атмосфера ҳавоси бузилган. Электр манбалари ишлаб чиқараётган қувватлар эҳтиёжни қондиролмаяпти. Шу боис ноанъанавий энергия манбаларидан, жумладан, сув, шамол ва қуёш энергиясидан унумли фойдаланишга жиддий эътибор бериш масаласи юзага келди. Мамлакатимизнинг жуғрофий жойлашуви қайта тикланадиган манбалар орасида қуёш энергиясидан фойдаланиш биз учун истиқболли эканини исботлаб турибди.

Юртбошимизнинг "Муқобил энергия манбаларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони, шубҳасиз, бу йўналишдаги кенг қамровли тадқиқот ишлари самарадорлигини янада оширади ҳамда қуёш энергиясидан фойдаланишда янги уфқлар очади. Фармонда муқобил энергетика соҳасининг тараққиётини таъминловчи илмий салоҳиятни ривожлантириш, бу йўналишда кадрлар тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор қаратиш, соҳага оид қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш, қайта тикланувчи энергия ишлаб чиқарувчилар ҳамда фойдаланувчиларга солиқ ва божхона имтиёзлари бериш юзасидан қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартиришлар киритиш ҳамда соҳанинг жадал ривожланиши учун "Муқобил энергетика тўғрисида"ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш лозимлиги белгиланди.

Ўзбекистон қайта тикланувчи энергия манбалари бўйича катта салоҳиятга эга. Экспертларнинг баҳолашига кўра, улар қайта тикланмайдиган органик ёнилғи ресурсларидан бир неча баробар кўп. Республикада бир йилда қуёшли кунлар 300 кундан ортиқ, шамол эсувчи ҳудудлар, шунингдек, электр энергияси ҳосил қилишда фойдаланиш мумкин бўлган тоғ дарёлари ҳам сероб. Ўзбекистон шароитида қуёш ресурслари, кичик гидроэнергетика, шамол ресурслари, биомасса ва геотермал энергия муҳим саналади.

Бизнингча, Юртбошимизнинг мазкур Фармони муқобил ва қайта тикланувчи энергия манбаларига оид норматив-ҳуқуқий базани янада ривожлантириш ва такомиллаштириш, муқобил энергия манбаларини, шунингдек, тежамкор, экологик тоза технология ва энергия ресурсларини жорий этишга қаратилган инфратузилмалар яратиш имкониятларини янада оширишга, тадқиқотлар ҳамда тажриба-саноат ишланмаларини юқорироқ техник ва илмий даражада ўтказишни давом эттириш, соҳа учун замонавий ускуна ва технологияларни ўзимизда ишлаб чиқаришни ташкил этиш имконини беради.

Фармон Ўзбекистон "Адолат" СДП фаоллари зиммасига ҳам катта масъулият юклайди. Зеро, партиямиз дастурида мамлакатимизда муқобил, қайта тикланувчи энергия манбаларини жорий этиш ва ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Энергияни тежаш, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини пасайтириш, қайта тикланадиган ноанъанавий энергия манбаларидан фойдаланиш тамойилларини татбиқ этиш масалалари партиянинг доимий диққат-эътиборида. Давлатимиз раҳбарининг Фармонида кўзда тутилган вазифаларнинг ижроси халқимиз ҳаётини янада фаровонлаштиришга, "Обод турмуш йили" Давлат дастурида кўзда тутилган вазифаларнинг тўла амалга оширишига хизмат қилади.

Айниқса, партиямизнинг вилоят кенгаши ташаббуси билан биогаз ва биоўғит қурилмасининг "Olmaliq metall Konstruksiya" МЧЖ корхонаси, "Ихлос Бизнес барака" ва вилоят савдо-саноат палатаси билан ҳамкорликдаги кенг саноат миқёсида ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга оид тажрибани амалга ошириши диққатга сазовордир. Мазкур қурилмани ишлаб чиқаришни кенгайтириш орқали нафақат республикамизнинг газ ресурсларини тежашимиз, балки чекка ҳудудлардаги аҳоли пунктларини муқобил энергия билан таъминлаш, қолаверса, ушбу қурилма ишлаб чиқараётган биогазнинг атроф-муҳитга таъсири камлиги сабабли экология масаласида ҳам катта ютуқларга эришишимиз мумкин.

Албатта, қайта тикланувчи энергия манбаларини самарали ўзлаштириш бизнинг табиий бойликларимизни келгуси авлодлар учун асраш ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза қилишда муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, бу қишлоқларнинг энергетик инфраструктурасини тараққий эттиришга ҳамда қишлоқ аҳолиси турмуш даражасини юксалтиришга ҳисса қўшади, айни пайтда углеводород ресурсларининг муайян қисмини экспорт эҳтиёжлари учун ажратиш имкониятини яратади.

**Камолжон ШОДИМЕТОВ,**
**"Адолат" СДП вилоят кенгаши раиси.**

Наврўз – 2013

# СИЗЛАРГА ГУЛЛАРДАН САЛОМ БОР...

(Давоми. Боши 1-бетда).

Зеро, табиат яратишни, олам кўкаришни, ирмоқлар жилдирашни, қуёш қиздиришни бошлаганда инсон кузатувчи бўлиб ўтириши мумкин эмас. У бир ниҳол ёнига бир ниҳол экиши, эртанги ризқу насибаси учун даласига уруғ сочиши, тупроқ билан тиллашиши зарур. Кўкламнинг ҳар кунидан барака боқиб туради. Фақат уни тутиб қолиш, яратиш керак.

Кўклам таомлари – бу табиатнинг инъоми. Одатда ҳар қандай инъом ўйлаш учун, фикрлаш учун берилади. Чунки олмоқнинг бермоғи ҳам бор. Ерга сочилган уруғ, экилган ниҳол инсон меҳрига, парваришига муҳтож. Сумалак шифосидан олган қувватимизни ҳалол меҳнатга сарфласак кўнгилда хотиржамлик, юзда ёруғлик зуҳур этамиз. Байрамларда фақат кузатувчи эмас, бунёд этувчи бўлиб иштирок этган одамга шодлик юқади, егани, ичгани татийди. Дунёда ҳалол меҳнатидан фахру ифтихор этган инсондан бахтиёрроқ одамни топиш мушкул.

Ўзбекистон Наврўзини дунёнинг кўплаб халқлари қизиқиб кузатади, томошаларни мириқиб кўради. Чунки бизнинг асрий удумларимизда ҳикмат бор, илм бор, муҳаббат бор. Наврўз тантаналари шунчаки томоша, шунчаки қувончнинг қўнғироғи эмас, балки чуқур мазмунга асосланган, инсонни яшашга, ўйлашга, фикрлашга ўргатувчи ориятли, ҳикматли халқнинг эзгу ниятлари ифодасидир. Шунинг учун ҳам халқимизга Наврўз қадрли, шунинг учун ҳам биз бу байрамни орзиқиб кутамиз. Уни кўнгилдагидек ўтказишда зиммамизда масъулият сезамиз.

Шу маънода бу йилги Наврўзимизнинг қадри ўзгача. У халқимизнинг орзу-армонларига бешик бўлган Обод турмуш йилини қутлаб, эзгу ниятлар рўёбига йўл очиб кириб келди. Тинчлик, осойишталик оғушидаги фаровон ҳаёт, обод турмуш мақсадидаги саъй-ҳаракатларга жўшқинлик, кўтаринкилик бахш этмоқда.

*Юрагим, йиғласанг ёшингни кўрай,*
*Кўкарган кўнгилнинг кўклами келди.*
*Қалдирғоч, кела қол қошингни кўрай,*
*Кўкарган кўнгилнинг кўклами келди.*

*Энди ялпизларнинг япроғи ўсар,*
*Энди тиканларнинг тирноғи ўсар,*
*Дарёсини йўқлаб қирғоғи ўсар,*
*Кўкарган кўнгилнинг кўклами келди.*

*Ҳар дарахт бошини барглар силайди.*
*Дарди бор кўнгилни дардлар силайди,*
*Майсалар бешикка шабнам белайди,*
*Кўкарган кўнгилнинг кўклами келди.*

*Ёмғирлар йиғлашиб шароб тутади,*
*Ғунчалар булбулга гулоб тутади,*
*Онамни айвонда офтоб кутади,*
*Кўкарган кўнгилнинг кўклами келди.*

*Худойим, бандангман, бедор қил мени,*
*Болари бўлайин, дастёр қил мени,*
*Оятдай оромли ашъор қил мени,*
*Кўкарган кўнгилнинг кўклами келди.*

**Маҳмуд ТОИР,**
**Ўзбекистон халқ шоири.**

# БАҲОР, ЯШАРИШ ВА ЯНГИЛАНИШ АЙЁМИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Уларнинг нақш боғлаган устунларию бежирим равоқларида паркентлик, зангиоталик, қибрайлик моҳир уста ва ҳунармандларнинг миллий ёғоч ўймакорлигига оид нозик дид ва истеъдоди акс этган. Оралиқда эса кенг саҳнли, ноёб манзарали дарахтлардан таркиб топган яшил хиёбон. Биллур фавворалар, хориж технологияси асосида ташкил этилган интенсив мевали боғ майдонга ўзига хос иқлим ва тароват бахш этган. Қувонарлиси, бу ўзгаришларнинг деярли ҳаммаси пойтахт вилоятилик бунёдкорларнинг ўз кучи, меҳнати билан рўёбга чиқди.

Шу куни тантанали кечада ёзилган тўкин дастурхон атрофида вилоят фаоллари, нуронийлар, ишлаб чиқариш илғорлари, илм-фан, маданият ва спорт, санъат соҳаларида юксак муваффақиятларга эришаётган замондошларимиз, ёш истеъдод эгалари жамулжам бўлдилар.



Йиғилганларни вилоят ҳокими Рустам Холматов яшариш ва янгиланиш байрами билан самимий қутлади. Дастурхонларга Наврўзнинг тансиқ таомлари тортилди. Ўзаро суҳбатларда, байрамона гурунгларда ҳар йилги эзгу анъанага мувофиқ, бу йил ҳам вилоят аҳли кўкламнинг мунаввар айёмини муносиб туҳфалар билан қарши олгани, туман ва шаҳар марказларидан тортиб, олис қишлоқ ва овулларда 250 дан ортиқ ижтимоий, маданий-маърифий муассасалар, гузар ва хиёбонлар, хизмат кўрсатиш ва сервис шаҳобчалари, маҳсулот тайёрловчи ва қайта ишловчи янги корхоналар фойдаланишга топширилгани, жойларда янги боғ-роғлар барпо этилаётгани, кўча ва хиёбонларда кенг кўламли таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари авжига чиқаётгани, бу йилги кўкламнинг ўзига хос барокатидан илҳомланган боболеҳқонлар аллақачон дала юмушларига киришиб кетганлари ҳақида сўз борди.

Театрлаштирилган катта томоша дастурида вилоятдаги бадиий жамоалар, рақс ва фольклор-этнографик дасталар иштирокида кўп миллатли вилоят аҳлининг бугунги обод турмуши, қувонч ва шодиёналари, халқимизга хос азалий анъана ва қадриятлар, уста миришкорлар, боғбону соҳибкорларнинг заҳматли меҳнати, шунингдек, миллий урф-одат ва маросимлар тараннум этилди.

Юртимиз санъат усталари ва истеъдодли ёш ижрочиларнинг жозибадор куйқўшиқлари кечага янада файз ва тароват бағишлади.

Наврўз шодиёналари вилоятнинг барча ҳудудларида, қишлоқ ва маҳаллаларида, меҳнат жамоаларида давом этмоқда.

**Алишер МУРОДОВ.**
**Даврон АҲМАД олган суратлар.**

# СПОРТ КИЙИМЛАРИ ТАРҚАТИЛДИ

Паркент туманидаги Юнус Ражабий номли Болалар мусиқа ва санъат мактабига тумандаги ўқув юртлари, корхона ва ташкилотларда ўқиш ва меҳнат қилиш билан бирга спорт билан мунтазам шуғулланаётган мингдан зиёд қизлар таклиф этилди.

Тадбирда ёшларга кўрсатилаётган эътибор, айниқса қизларимизнинг спорт билан шуғулланиши учун яратиб берилаётган шарт-шароитлар ҳақида сўз юритилди. Ёш қизларга спорт кийимлари тақдим этилди.

**Юлдузхон МУҲИДДИНОВА.**

## ҲАШАР БИЛАН ОБОД ЭЛИМ

Маҳалла ва бошқа аҳоли тураржойларини ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, шаҳар ҳудудлари санитария ҳолатини яхшилаш ҳамда "Обод турмуш йили" Давлат дастурида кўзда тутилган вазифаларни амалга ошириш мақсадида шаҳримизда 16-17 март кунлари уюштирилган умумхалқ ҳашарида 36 мингдан зиёд аҳоли, шу жумладан 23 мингга яқин ёшлар қатнашдилар. Ҳашар давомида 5 мингга яқин манзарали, 3 мингдан зиёд мевали, 4380 туп терак ҳамда 2800 дан ортиқ гул кўчатлари экилди. 23 мингга яқин дарахтларга шакл бериб, оқланди.

**Дилдора ИСМОИЛОВА,**
**"Маҳалла" хайрия жамоат фонди Бекобод шаҳар бўлими масъул котиби.**

# ҲАР КУНИНГ ШУНДАЙ БЎЛСИН

**Халқимизнинг азалий удумлари, миллий қадриятлари, меҳр-саховат каби гўзал хислатларини мужассам этган Наврўз байрами тантаналари вилоятимиз бўйлаб давом этмоқда. Янгийўл туман марказий боғида байрам муносабати билан халқ сайли бўлиб ўтди.**

Боғ марказига саҳна ўрнатилди, турли томошалар қўйилиб, бир нечта аттракционлар болалар қувончига қувонч қўшди. Туман халқ таълими бўлимининг ташаббуси билан фан олимпиадаларида иштирок этиб, вилоят босқичига чиққан ўқувчиларга ҳомийларнинг эсдалик совғалари топширилди.

Шунингдек, Оҳангарон туман марказий маданият ва истироҳат боғида отахону онахонлар байрам дастурхони тўридан жой эгаллашди. Келинсалом маросимлари, маҳаллалараро беллашув ташкил этилиб, уй бекалари ва ҳунармандлар ўз ижодларини намойиш этдилар. Байрам олдидан туманда кенг кўламда ободонлаштириш ишлари бажарилди, кўчатлар экилиб, ариқ-зовурлар тозаланди. Ҳар иккала туманда ҳам байрам таомлари – сумалак ва халим тортилди.

**Зилола АЛИЕВА.**
**Даврон АҲМАД ва Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.**





**Маълумки, давлатимиз томонидан бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишни кучайтириш бўйича кўрилаётган чоралар вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини мустаҳкамлашга, шаклланиб келаётган ёш авлод учун ота-оналар масъуллигини кучайтиришга муҳим эътибор қаратилмоқда.**

# ФАРЗАНДИНГИЗНИ ҚАРОВСИЗ ҚОЛДИРМАНГ

2010 йилнинг 18 майида кучга кирган "Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни ҳам айнан вояга етмаганлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган. Мазкур қонун бўйича кўплаб тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилди ва бу ҳаракат давом эттирилмоқда.

Ёшлар бизнинг келажагимиз, умид ниҳолларимиз. Ҳар қандай ҳолатда ҳам кўз ўнгимизда вояга етаётган фарзандларимизни назоратсиз қолдирмаслигимиз зарур. Чунки, уларнинг келажаги учун биз катталар жавобгармиз. Статистик маълумотларга назар ташласак, вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар йилдан йилга камайиб бораётганини кўришимиз мумкин. Маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этган болалар рўйхатга олиниб, улар билан тегишли тарбиявий ишлар олиб борилмоқда.

Вояга етмаганлар ўртасида содир бўлаётган қонунбузарликларнинг келиб чиқиш сабаблари нимада? Кўпинча қаровсиз қолган болалар вақтларини турли кўнгилочар муассасаларда спиртли ичимлик истеъмол қилган ҳолда ўтказишади. Бу ҳолат эса уларнинг хулқига салбий таъсир кўрсатиши табиий ҳол. Демак, боланинг ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг кузатуви бўлмаган. Катталарнинг масъулиятсизлиги, жавобгарликни унутиб қўйганликлари туфайли вояга етмаганлар вақтларини тунги клубларда ўтказишмоқда ва айнан улар томонидан жиноятлар содир этилмоқда. Маълумотларга қараганда, вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларнинг аксарияти тунги вақтга тўғри келади. Қонуннинг 3-моддасида вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси, ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган оила, назоратсиз, якка тартибдаги профилактика иши, қаровсиз, ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар каби асосий тушунчаларга таъриф берилган.

Кўз ўнгимизда фарзандларимиз вояга етаяпти. Шу ёшдаги болалар қалбида атроф-муҳитга қизиқиш, интилиш ўзгача бўлади.Туни билан интернет олдида ўтириб турли кўнгилочар сайтларга кираётган ва хаёли бузилаётган фарзандимизнинг юриш-туришига бир назар ташлайлик. Унинг хаёли нималар билан банд? Қаровсиз қолдирилган фарзандларимизнинг тарбияси учун ҳар биримиз масъул бўлмоғимиз, уларнинг бўш вақтини самарали ва тўғри ташкил этишига ёрдам бермоғимиз зарур.

**Хуршида ЭГАМБЕРДИЕВА,**
**Ҳамза туман 5-сон давлат нотариал идораси нотариуси.**

# ЙЎЛЛАР КЕСИШМАСИ – ХАВФЛИ ҲУДУД

**Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини таъминлаш мақсадида "Ўздавтемирйўлназорат" инспекцияси ходимлари "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компанияси билан бирга фаолиятга хавф солувчи камчилик ва нуқсонларни вақтида аниқлаб, бартараф этишга ҳаракат қилмоқда.**

Темир йўл транспорти юк ва йўловчиларни ташиш вазифаларини бошқа транспорт турлари билан чамбарчас боғлиқ ҳолда амалга оширади. Йўловчи ва юк ташиш жараёни хавфсизлигини таъминлаш учун темир йўл ва автомобиль йўллари кесишмаларида ўтиш қоидаларига қатъий риоя этиш талаб қилинади.

Республика темир йўлларида 700 дан зиёд кесишмалар мавжуд бўлиб, унинг фақат 23 фоизи қўриқланади. Шу сабабли, барча кесишмаларда автомобиль ҳайдовчилар ҳушёр бўлишлари, белгиланган тартиб-қоидаларга қатъий риоя этишлари шарт.

Сўнгги статистик маълумотларга асосан, ҳозир ҳар уч хонадондан бири шахсий автоуловга эга. Бу албатта қувонарли. Лекин автомобиль ҳайдовчиларнинг масъулияти ва жавобгарлиги ҳам шунга нисбатан бўлмоғи зарур, яъни автомобилни бошқариш ҳуқуқи ва йўл ҳаракати қоидаларига амал қилиш замонавий стандарт талабларига мос, юқори савияда бўлиши шарт.

Афсуски, ўтган йилда республика миқёсида темир йўл ва автомобиль йўллари кесишмаларида ўтиш қоидаларини қўпол равишда бузиш оқибатида поездларнинг автомобиллар билан 33 бор тўқнашуви содир бўлди. Оқибатда 5 киши ҳаётдан бевақт кўз юмди, поездлар ҳаракати жадвалининг бузилиш ҳолатлари қайд этилиб, юридик ва жисмоний шахсларнинг мулкларига моддий зарар етказилди. Бу йил эса 8 та шундай нохуш ҳолат юз берди, бир киши вафот этди.

2013 йил 9 март куни Навоий бекати билан 33-разъезд оралиғининг 3876 километрида темир йўл ва автомобиль йўлларининг қўриқланмайдиган кесишмасида поезднинг "Ласетти" русумли автомобиль билан тўқнашуви натижасида 1969 йили туғилган автомобиль ҳайдовчиси ҳаётдан кўз юмди.

Бундан ташқари, автомототранспорт ҳайдовчилари темир йўлнинг рухсат этилмаган жойларидан ўзбошимчалик билан кесиб ўтиш ҳоллари учраб туради. Бунинг сабаби, аввало, автомобиль ва тракторни бошқарувчиларнинг йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларини қўпол равишда бузишлари, ҳайдовчиларнинг лоқайдлиги ва савиясининг пастлиги, соҳага мутасадди ходимларнинг автокорхона, маҳалла ва жамоат жойларида олиб борадиган тушунтириш ишларининг сустлигидир.

"Ўздавтемирйўлназорат" инспекцияси ходимларининг кесишмалардаги қоида бузилишлари тўғрисида вилоятлар йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаларига ўтган йилда ўз вақтида юборган далолатномаларининг атиги 28 фоизига жавоб олинди, холос. Соҳа ходимлари ҳайдовчилар ўртасида тушунтириш ишларини янада кучайтиришлари зарур.

Ташиш жараёнида юк ва йўловчиларни хавф-хатардан асраш нафақат темир йўлчилар, балки ҳар бир фуқаронинг бурчидир.

Ҳурматли ҳамюртлар!

"Ўздавтемирйўлназорат" инспекцияси Сизларга темир йўл транспортидаги поездлар ҳаракати зоналари ўта хавфли эканини яна бир бор эслатади, оилангиз, корхона ва мактабларда автомобиль ҳайдовчиларга, фарзандларга тушунтириш ишларини мунтазам олиб боришингиз талаб этилади.

Огоҳлик

# УЛАРНИНГ МАҚСАДИ БИТТА

**Ортга назар ташласак, ўтган қисқа фурсат ичида улкан муваффақиятларга эришдик. Аввало, биз учун азиз ва муқаддас бўлган Ватанимиз мустақил бўлди.**

Бугун мамлакатимизда фан, таълим, санъат, спорт, қўйингки, барча соҳаларда ислоҳотлар улкан самаралар бермоқда. Бу Ўзбекистон ўз тараққиёт йўлини тўғри танлаганидан далолатдир. Бироқ, танганинг икки томони бўлгани каби ютуқларимиздан қувониб, фахрланадиганлар қаторида ғараз кўз билан қаровчилар ҳам бор.

Ачинарлиси, ҳасад, ғараз бандалари ёшларни турли йўлларга етакламоқдаки, диний экстремистик, террористик гуруҳларнинг қилмишлари кўплаб оилалар бошига уқубат келтирди. Энг ёмони бу кучлар охир-оқибатда одамни ўзи туғилиб ўсган юрти ва халқидан тонишга ундайди.

Шундай вазиятда одам мустақил фикрга эга бўлиши, яхшини ёмондан, оқни қорадан фарқлай олиши керак. Зеро, экстремизм ва террорчиларнинг мақсади битта – миллий ва диний томирларимизга болта уриш.

Бундай хатарларга қарши ўз вақтида қатъий ва изчил кураш олиб бормасак, турли зарарли оқимлар юртимизга шиддат билан ёпирилиб кириши, ёшларимизни ўз гирдобига тортиши, оқибатда улар ота-она, оила, эл-юрт олдидаги бурчи ва масъулиятини ўйламайдиган, фақат бир кунлик ҳаёт билан яшайдиган худбин кимсаларга айланиб қолишлари мумкин.

**Элёра ДОНИЁРОВА,**
**Оҳангарон тумани.**


# «Аммофос Максам» ОАЖ касаба уюшмаси жамоаси

*Барча юртдошларимизни янгиланиш ва баҳор байрами – Наврўз билан самимий муборакбод этади! Осмонимиз мусаффо, юртимиз тинч бўлсин. Ватанимиз равнақи йўлидаги саъй-ҳаракатингизга омад, дастурхонингизга қут-барака тилайди.*



Буни ҳаёт дейдилар

# УЙ ҲАМ, ХОТИН ҲАМ ЁНГА ҚОЛДИ



Қобилнинг асл касби ўқитувчи, аммо тирикчилик ташвиши билан тадбиркорликка қўл урди. Тери ошлаш, пойабзал тикиш билан шуғулланди. Даромаддан кўнгли тўлмади чоғи, тижорат қилиб кўрмоқчи бўлди.

– Болам, ўзингни парвонадек ҳар ёққа уравермасанг-чи, ахир, дарахт ҳам бир жойда кўкаради.

Онасининг гапи кор қилдими, тижоратга қаттиқ берилиб, ҳартугул, ул-бул ола бошлади. Хотини ҳам эри билан ёнма-ён савдода тик турди.

– Дадаси, токайгача шу биқиқ домда яшаймиз. Тиқ этсанг, қўшнинг эшитади. Келинг, участка ёки ҳовлиси бор уй олайлик, – деявериб қулоғини қоқиб қўлига берди.

Қобил қиркқа бораяпти. Ўртоқларининг уй-жойлари бор, у бўлса ҳануз икки хонали уйда тўрт боласи билан яшаяпти. Хотини ҳақ, топган-тутганини "чирт-пирт" қилиб йўқ қилавермай, ҳовли-жой олиб қўйса бўларди. Худо давлат бериб турибди, вақти келганда битта нонга пул тополмаган. Нима бўпти, пули етмаса озгина қарз кўтарар...

Қобил кўпчилик ҳавас қиладиган даҳада яхшигина ҳовли-жой сотилаётганини эшитиб қолди. Уй эгаси Илҳомнинг хотини билан ажрашганига икки йилдан ошган экан.

– Ука, яна келишармиз. Узоқроққа ишга кетсам, ҳаётимни изга солсам, дегандим. Аёлим яхши-ю, онасининг гапига кириб қўйди-да. Бўлмасам... Фарзандлар бор...

Икки томон келишганидек, уй савдоси силлиққина битди. Қобил ҳамма шарт-шароитлари муҳайё уйни кўздан кечираркан, бола-чақасининг яйраб яшашини ўйлаб, ўзича қувонди. Аммо...

Қобил сўралган маблағни хонадон соҳибига топшириб, калитни олган кундан боши машмашадан чиқмай қолди. Пулни олган уй эгаси ҳали олисга жўнамай, унинг "ажрашган" хотини икки боласи билан сотилган уйга келиб ўтириб олди. Маълум бўлишича, у ҳали эри билан қонуний ажрашмаган экан.

– Мениям, болаларимнинг ҳам бу уйда ҳақимиз бор. Эрим чучварани хом санабди – шанғиллашга тушди аёл. – Ноинсоф, етар икки йил онамнинг эшигида сарғайганим. Менга уйнинг ярмини ёки ярим пулини бермай кўрсин-чи?!

Аёлнинг важоҳатини кўриб, аввалига Қобил эсанкираб қолди. Бу ёғи қанчага тушди? Эри бекорга оиласини ташлаб қочмаган эканда!

Шу куни аёл бақириб-чақириб, уйни бўшатмади. Шўрлик Қобил можарони ҳал қилиш ниятида ўрга чопди, қирга чопди. Охири уй эгасини топишга қарор қилди.

– Тавба, хотини эрини айблайди, эри хотинини. Нима, мен уларга қозимидим? – хотинига ёрилди Қобил.

Уйли-жойли бўлиб, эрта-индин кенг ҳовлига кўчишни ўйлаб, ичига сиғмаётган аёли шошиб қолди.

– Ажрашмаган бўлса, бошимиз балога қоладиган бўлди.

Шу зайлда кунлар ўтди. Илҳом ҳақиқатан Россияга кетиш ташвишида ҳужжат тўғрилаб юрган экан. Қобилнинг гапини эшитиб, эсхонаси чиқиб кетди. Ахир, уйнинг пулидан унча-мунча сарфлаб бўлганди-да...

Хуллас, можаро авж олгандан-олиб, уй эгалари – эр-хотин жиққамушт бўлишди. Хотин эрини судга берадиган, бу ҳам етмагандек, Қобилни ҳам жавобгарликка тортадиган бўлиб, ғимирлаб қолди.

– Қўйинг, қаердан ҳам йўлиқдингиз шуларга, пулингизни қайтариб олинг, – ялинди хотини Қобилга.

Янги уй билан қутлаган дўстлари олдида мулзам бўлаётган Қобил ҳам анойи эмас, пулни қайтариб олишга шошилмади:

– Қўйиб тур-чи, – деди бепарво.

Эртаси куни ўзи сотиб олган уйга борди-да, уй эгасининг хотинига деди:

– Хоним, майли ҳеч қаёққа чиқиб кетманг. Эртага шу вақтда мулла олиб келиб, никоҳлаб оламан. Тайёрланиб туринг.

Аёл азбаройи довдираб қолганидан тили калимага келмай тек қотди. Қобилнинг ўзиям, сўзиям жиддий эди.

Эрталаб у кечаги қарорини эслаб, ўзича кулиб қўйди. Назарида, аёл унинг таклифини ҳақоратдай қабул қилиб, уйдан чиқиб кетиши керак эди. Уй олдига бориб кўрдики, дарвоза очиқ, аёл кетмаган. Ана энди унга қарши ҳужумга ўтса бўлади!

Қобил муллани дарвозадан олиб кирганида, ногаҳон ўзидан қочиб юрган Илҳомга кўзи тушди. У келганларга пешвоз чиқиб, ёруғ юз билан кутиб олди.

– Кўрмайсизми, оғайни, хотин ҳамма ёқни ағдар-тўнтар қилиб юборди. Таклиф қилиб чакки қилибсизда, шу...

Мулла гапнинг маъносини тушунолмай, бир унга, бир бунга қаради. Хўш, дегандай Қобилга термулди.

– Энди, бова, мана шу акахон билан янгани қайтадан никоҳлаб қўясиз, – деди Қобил салмоқлаб. – Ўртада жўжалар бор экан...

– Майли, савоб бўлади, – мулла уни маъқуллади.

Уй эгаси Қобилга мамнун қаради-да, пилдираб ичкарига кириб кетди:

Бирпасда аразлашиб юрган эр-хотинга никоҳ ўқилди. Уй ҳам, хотин ҳам ёнига қолган Илҳом Қобилни кузатаркан, хижолатомуз ер чизди:

– Ука, эрта-индин пулингизни олиб бориб бераман, хафа бўлмайсиз. Иш буёғига айланиб кетди.

**Нигора ШОФАЙЗИЕВА.**




## САРКОЗИ ПОРАХЎРЛИКДА АЙБЛАНДИ



**Франциянинг собиқ президенти Николя Саркози L'Oreal парфюмерия компанияси эгаси Лилиан Бетанкурдан ноқонуний пул олганликда айбланмоқда.**

AFP агентлиги сиёсатчининг адвокати сўзларига таяниб тарқатган хабарда 2007 йилдаги сайловолди кампаниясида олинган маблағ ҳақида сўз бормоқда. Тергов ҳамда компания ходимлари билан юзлаштиришдан сўнг Саркози зиммасига айблов юкланди.

Терговчилар Саркози Франциянинг энг бой аёлларидан бири билан неча бор учрашганига аниқлик киритишга ҳаракат қилмоқдалар. Собиқ президентнинг ўзи мен у билан бир мартагина учрашганман дея таъкидламоқда, аммо Бетанкур атрофидаги кишилар бундай учрашувлар бир неча бор юз берган дейишяпти.

Терговдаги маълумотларга қараганда, Саркози Бетанкурдан 150 минг евро миқдорида пул олган. Ҳолбуки, Франция қонунларига кўра, президентликка номзод жисмоний шахслардан 4600 евродан ортиқ совға олишга ҳаққи йўқ.

## ЮЗ КИШИ ЖАБР КЎРДИ



**Канаданинг Альберто вилояти Эдмонтон шаҳри яқинида юз берган йирик автоҳалокатдан юзга яқин киши жабр кўрди, деб ёзади The Edmonton Journal нашри.**

Қиролича Елизавета Иккинчи номидаги трассада юз берган йўл-транспорт ҳодисасида аввалига иккита транспорт воситаси тўқнашиб кетгач, яна кўплаб автомашиналар келиб бир-бирига урилган. Натижада юзга яқин автомашина яроқсиз ҳолга келди. Улар орасида юк машиналари ва автобуслар ҳам бор.

Авария оқибатида 22 киши шифохонага ётқизилди. Улардан бирининг аҳволи оғир, дейилади хабарда. Қолганлар эса ўрта ва енгил даражада жароҳат олишган. Яна 80 га яқин киши тиббий ёрдам олган.

Автоҳалокат олдидан кучли қор ёғиб ўтгани ва трассада кўриш имконияти жуда ёмон бўлганлиги шундай фожиага сабаб бўлди. Альберто вилоятида бир кечаю кундуз давомида кучли шамол билан қалин қор ёғди. Ёғингарчиликнинг қачон тиниши маълум эмас.

## ҚОТИЛЛАР ҲИНДИСТОНГА ҚАЙТАРИЛАДИ



**Reuters агентлиги тарқатган хабарда айтилишича, ҳинд балиқчиларини ўлдиришда айбланаётган икки нафар итальян денгиз пиёдачиси Ҳиндистонга қайтариладиган бўлди.**

Италия ҳукуматининг қарорига кўра, Массимелиано Латорре ва Сальваторе Жироне 22 март куни Ҳиндистонга қайтиб келишлари керак эди. Мамлакат ташқи ишлар вазирлигидан маълум қилишларича, Ҳиндистон ҳукумати айбланаётганларнинг ҳуқуқлари тўла сақланишини ваъда қилганларидан сўнг Италия ҳукумати шундай қарорга келган.

Халқаро мунозараларга сабаб бўлган ушбу воқеа 2012 йил февраль ўрталарида Кирал штати қирғоқларида содир бўлган эди. Денгиз пиёдачилари Латорре ва Жироне Италиянинг "Энрика Лекси" танкерини қўриқлашаётган пайтда икки ҳинд балиқчисини отиб ташлашди. Айбланаётганларнинг айтишича, балиқчилар ўзларини жуда тажовузкор тутишган. Шу боис, уларни денгиз қароқчилари деб ўйлашган. Ҳиндистон ҳукумати эса, аксинча балиқчилар қуролсиз бўлгани, танкер учун ҳеч қандай хавф солмаганларини таъкидламоқда. Қолаверса, танкер анча олис масофада эди.

## ШОТЛАНДИЯ МУСТАҚИЛЛИККА ЭРИШАДИМИ?



**Шотландия регионал ҳукумати бошлиғи Алекс Сэлмонд Шотландиянинг мустақилликка эришиши масаласига оид референдум 2014 йил 18 сентябрда ўтказилишини маълум қилди, дея хабар тарқатди BBS News.**

Сэлмонднинг гапларига қараганда, овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган кишилар фақат биттагина – "Шотландия мустақил давлат бўлиши керакми?" деган саволга жавоб беришлари лозим бўлади. Ҳукумат раиси маҳаллий парламент мажлисида шу ҳақда гапириб, бўлажак референдумнинг қонун лойиҳасини тақдим этди. У таъкидладики, Шотландиянинг бугунги авлоди "ўз мамлакатининг узоқ йилларга мўлжалланган истиқболини мустақил белгилаш"дек катта имтиёзга эга бўлдилар.

Шотландиянинг Буюк Британия таркибида қолишини истаётган сўл мухолифат референдум ўтказиладиган муддат анча узоқ эканлигини танқид қилмоқда. Лейбористларнинг фикрича, Сэлмонд референдумни атайлаб кечга сурган. Чунки, унинг мустақиллик тўғрисидаги ғоясини ҳозир кўпчилик қўллаб-қувватламаслиги мумкин. Сўнгги бор жамоатчилик фикри сўралганда, мустақиллик тарафдорлари ва қаршилар нисбати тахминан ўттизга қирқ беш фоиз бўлган. Қолган шотландлар ҳали муқим қарорга келганлари йўқ.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди.**

Фаслбоп манзаралар

# МУСАВВИРНИНГ КЎРГАЗМАСИ

**Ўзбекистон Тасвирий санъат галереясида таниқли рассом Петр Анненковнинг Наврўзга бағишланган бадиий кўргазмаси ташкил этилди.**

**Кўргазманинг очилишида Ўзбекистон Бадиий академияси раиси А. Нуриддинов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида юртимизда қарор топган миллатлараро дўстлик мусаввирлар фаолиятида ҳам ўз ифодасини топаётганини таъкидлади.**

Олтмиш ёшни қаршилаган тошкентлик П. Анненков рангтасвир, графика, китоб иллюстрацияси, мультипликация, полиграфия дизайни йўналишларида самарали ижод қилмоқда. Унинг "Беш қиз", "Оловуддиннинг сеҳрли чироғи", "Қизиқарли алифбо" каби китобларга ишлаган суратлари болаларга хос беғуборлиги, ёрқин рангларга бойлиги билан ўқувчи эътиборини тортади. Истиқлол йилларида мусаввирнинг ижоди юксак қадрланиб, 2002 йилда "Меҳнат шуҳрати" ордени билан тақдирланди.

– Барчамиз учун севимли бўлган Наврўз болалик, ёшлик каби беғубор, улуғ айёмдир, – дейди П. Анненков. – Мазкур кўргазмага баҳор, Наврўз, боланикнинг беғубор онлари, жонажон Ватанимиз – Ўзбекистоннинг осуда, обод ва фаровон ҳаётини ифодаловчи асарларни тақдим эта олганимдан жуда мамнунман.

Рассомнинг дастгоҳли рангтасвир йўналишида ишлаган суратлари юртимиз ва хориждаги музейлар, АҚШ, Буюк Британия, Швеция, Финляндия, Испания, Жанубий Корея сингари мамлакатлардаги шахсий тўпламларда сақланмоқда.

Кўргазмада мусаввирнинг элликдан ортиқ асари томошабинлар эътиборига ҳавола этилган.

**Н. УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

Бу – қизиқ

## ҲАЁТ УЧУН ХАВФЛИ

Танасига татуировка қилдирувчилар гепатит Сга осонгина чалинадилар. Нью-Йорк университети олимлари гепатит С билан касалланган 1930 ва худди шунча соғлом кишида кузатиш ўтказдилар. Аниқланишича, танада татуировка кўплиги гепатит Сга чалиниш хавфини 5 марта оширади. Мутахассисларнинг таъкидлашича, гепатит вируси бир игнадан кўп марта фойдаланиш орқали тез юқади.



## ЧИННИ ЁКИ ПЛАСТИК



Пластик идишлар юқори ҳарорат таъсирида ўзидан меланин (киши танаси учун хавфли органик аралашма) ажратади. Тайвандаги Гаосюн тиббиёт университетида ўтказилган тажриба натижалари қуйидагича бўлди: иссиқ овқатни пластик идишда тановул қилганлар пешобида меланин миқдори, чинни идишда овқатланганларникидан анча юқорилиги аниқланди.

Жиноятга жазо муқаррар

# ГЎДАКНИНГ ҲАҚИ ТЕШИБ ЧИҚДИ



Ҳар қандай жиноий хатти-ҳаракат аниқ мақсадсиз, ўз-ўзидан содир этилмайди. У муайян режа асосида бошланади, янги-янги ижрочиларни ўз домига тортиб, уюшган жиноий гуруҳни шакллантиради. Унинг аъзолари тубан мақсадларни кўзлаб, ўзларининг тегишли вазифаларини белгилаб олишади.

Зангиота туманидаги акушерлик мажмуаси шифокор-неонотологи Гулноза Каримова бир аёл туғиб, ташлаб кетган чақалоқни сотиб, мўмай пул топиш ҳаракатига тушиб қолди. Мижоз ҳам тезда топилди. Тошкент шаҳрида яшовчи Гулнора Алимуҳамедова кўп йилдан буён фарзанд кўришолмаётган қизи ва куёвини чақалоқлик қилиш мақсадида ёрдам сўраб мурожаат қилди. Кўп ўтмай, ҳожатбарор шифокор унга қўнғироқ қилиб, қиз чақалоқ топиб қўйганини айтди.

– 500 минг сўм "суюнчи", қизингиз ва куёвингизнинг паспортлари, никоҳ гувоҳномаларининг нусхаларини олиб келинг, – деб тайинлади.

Қизи билан куёви чақалоқни кўриб олиш ниятини билдиришди. Шунда шифокор ҳужжатларни тўлиқ расмийлаштириш учун яна бир миллион сўм зарурлигини айтди. 2009 йил 13 июнь куни "меҳрибон" она куёви ва қизидан яширинча бу пулни ҳам етказиб берди. Шундан кейин шифокор чақалоқни уларга бериб юборди.

Лекин бу иш битди дегани эмаслигини Гулноза Каримова жуда яхши биларди. У ўз жиноий ҳаракатларини охирига етказиб қўйиш, чақалоқни олган эр-хотинда шубҳа уйғотмаслик учун уюшган гуруҳнинг бошқа аъзолари иштирокида чақалоққа туғилганликни қайд этиш гувоҳномасини олиб беришга киришди. Охир-оқибат гуруҳ аъзоларининг "қутқарув" операцияси кўнгилдагидек якунланди – Гулнора Алимуҳамедованинг қизи гўёки 2009 йил 8 июнда фарзанд туққанлиги ҳақида сохта тиббий маълумотнома тайёрланди. Шу асосда 13 июнь куни Олмазор туман ФҲДЁ бўлимида I-TN 0273251-рақамли туғилганлик гувоҳномаси ва чақалоқни уйга чиқариб юбориш тўғрисидаги маълумотнома расмийлаштирилди. Олинган пулларни Гулноза Каримова бошчилигида уюшган гуруҳ аъзолари тақсимлаб олишди.

Шу билан ёпиғлик қозон ёпиғлигича қолиб кетиши мумкин эди. Бахтга қарши мамлакат ҳудудида одам савдоси жиноятлари билан шуғулланиб юрган шахсларга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, миллий хавфсизлик хизмати тергов бўлими олиб борган суриштирув ва тергов ҳаракатлари давомида Гулноза Каримова ва уюшган гуруҳнинг бошқа аъзолари Гулнора Алимуҳамедовага ноқонуний равишда чақалоқ сотишгани юзага қалқиб чиқиб қолди. Лекин у тергов бўлимига чақиртирилиб, ёлғон кўрсатмалар бериш жиноий жавобгарликка тортилишига сабаб бўлиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантирилишига қарамай, Гулноза Каримованинг илтимоси ва йўл-йўриғи асосида ёлғон-яшиқ маълумотлар бериб, тергов идораларини узоқ фурсат чалғитиб юрди. Ҳолбуки, суд-хатшунослик экспертизаси аллақачон унинг қизи "фарзанд кўрганлигига" доир ҳужжатларнинг қалбакилиги, маълумотномадаги имзони бош шифокор эмас, бошқа киши қўйганлиги хусусида хулоса берган эди.

Гуруҳ аъзолари, айниқса, Гулнора Алимуҳамедова терговни чалғитишга қанчалик уринишмасин, экспертиза хулосаси, тўпланган ҳужжатлар, тергов-суриштирув мобайнида аниқланган бошқа далил-исботлар содир этилган жиноятни ойдинлаштириб турарди. Ниҳоят, Гулноза Каримова ҳам, Гулнора Алимуҳамедова ҳам судда жавоб беришга мажбур бўлишди. Уларнинг биринчиси Жиноят Кодексининг 135-моддаси 3-қисми "а" ва "г", 227–ҳамда 209-моддалари 2-қисмлари "а" бандлари билан айбдор деб топилиб, умумий ҳисобда 3 йилга тиббий муассасаларда, мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқи ҳамда 8 йилу 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилинди. Иккинчисига эса, умумий ҳисобда 2 йилу 3 ой муддатга қамоқ жазоси белгиланди.

Суд ноқонуний йўл билан тарбияга берилган қизча масаласини ҳам кўриб чиқди ва бу хусусда оқилона ечим топди. Уни қонуний расмийлаштириб, тарбиялашга олган ота-она қарамоғида қолдиришга қарор қилинди.

**Юсуф ЖУМАЕВ.**

Рассом хандаси



*Бир лойиҳа иккинчисига тўғри келмаганда...*

caricatura.ru

Олмазор тумани ТСРЎИ томонидан 18.08.2010 йилда гувоҳнома рақами № 0511465 билан рўйхатга олинган якка тартибдаги тадбиркор Вахабов Элёр Бахтияровичга тегишли бўлган бир дона думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Самарқанд вилояти, Каттақўрғон шаҳридаги ГСПТУ № 32 томонидан 1982 йилда Гумеров Рафик Нуруллаевич номига берилган Г № 495733 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Зангиота туманида рўйхатга олинган "FAYZLI TONG BARAKA" МЧЖнинг устав фонди 23 500 000 сўмдан 10 000 000 сўмга камайтирилади. Жамият устав фонди 13 500 000 сўм деб белгиланмоқда. Даъволар эълон чоп этилган кундан бошлаб корхона почта манзили бўйича қабул қилинади.

ООО "MAX FINANCE MIKROKREDIT TASHKILOT", зарегистрированное инспекцией по регистрации субъектов предпринимательства Хамзинского района г. Ташкента от 26 марта 2012 года за № 003846-07, извещает о переименовании ООО "MAX FINANCE MIKROKREDIT TASHKILOT" в общество с ограниченной ответственностью "SUNSHINE MAX FINANCE" и является правопреемником ООО "MAX FINANCE MIKROKREDIT TASHKILOT".

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
e-mail: th.tp@mail.ru

Телефонлар:
Қабулхона: 233-64-95, 236-55-59, 233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-12-83, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 236-55-54.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир
Сайёра РИХСИЕВА
Навбатчи
Бекзод ҲИДОЯТОВ
Саҳифаловчи
Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма J 6667. Адади 16 677. Баҳоси келишилган нархда Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. *"ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй.* Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.00.